

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ЭСАНОВ АЗАМАТ ЭСИРГАПОВИЧ

**АЛКОГОЛЬ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЁКИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ЖИНОЯТЛАРИ
УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи
12.00.15 – Криминология (юримик фанлар)

**Юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Эсанов Азамат Эсиргапович

Алкоголь маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш
ёки муомалага киритиш жиноятлари учун жавобгарлик..... 3

Эсанов Азамат Эсиргапович

Ответственность за преступления, связанные с незаконным
производством и введением в оборот алкогольной продукции..... 25

Esanov Azamat Esirgapovich

Liability for crimes related to the illegal production and introduction of
alcoholic beverages into circulation..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ЭСАНОВ АЗАМАТ ЭСИРГАПОВИЧ

**АЛКОГОЛЬ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЁКИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ЖИНОЯТЛАРИ
УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи
12.00.15 – Криминология (юримик фанлар)

**Юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Yu1343 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахраров Баҳром Джаббарович
юримдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тошпўлатов Ақром Иқромович
юримдик фанлар доктори, профессор

Хайдаров Шухрат Джумаевич
юримдик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташиқлот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил 29 июль куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси 9-уй. Тел./ факс: (998) 71 202-04-96; info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (62-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96, info@proacademy.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил 15 июль куни тарқатилди.

(2025 йил 15 июль кунидаги 27-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х.Пулатов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар
доктори, профессор

Ф.Н.Марданов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, юримдик фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD)

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, юримдик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (PhD) фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иқтисодиёт ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг асосий омилларидан бири сифатида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти (FAO) маълумотларига кўра дунёда ҳар йили 42,3 миллион гектолитр соф спирт истеъмол қилинса, 113,4 млрд. галлон (умумий ишлаб чиқарилган алкоголь маҳсулотларнинг 11%) яроқсиз алкоголь маҳсулотлари тайёрланиб, муомалага киритилади¹. Бироқ, экологик таъсирлар ва антропоген омиллар оқибатида этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини тайёрлаш сифати ҳам йилдан йилга пасайиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) маълумотларига кўра дунёда 209 млн. киши (вояга етганларнинг 3,7%) алкогольга қарам турмуш кечиради, 400 млн. киши (15 ёшдан юқори аҳоли қисмининг 7%) алкогольга қарамликдан мунтазам азият чекади². 2024 йилги маълумотларга кўра 2 млн.га яқин инсон алкоголь истеъмолидан вафот этган³. Ушбу рақамлар алкоголь маҳсулотлари истеъмоли хавфсизлигини оширишга оид чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини кўрсатади. Шунингдек, соҳанинг сердаромадлиги, алкогольга эҳтиёжнинг барқарорлиги алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф тарзда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятчилик динамикасининг шиддат билан ортишига туртки бўлмоқда. Бу эса алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф ишлаб чиқариш ва муомалага киритишга қарши курашишда жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан тадқиқ этиш долзарблигини кўрсатади.

Жаҳонда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳаси ўзининг сердаромадлиги, шунингдек, жамиятдаги ижтимоий жараёнларга, аҳоли саломатлигига таъсир этиши билан ҳамisha ўткир ва долзарб ҳамда давлат эътибори марказидаги масала бўлиб келганлиги сабабли унга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунинг билан бирга, алкоголь маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишга қарши курашиш коррупция, порахўрлик, гиёҳванд моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласи ва ҳаттоки, хуфёна иқтисодиётнинг сердаромад тармоғи сифатида бошқа жиноятчилик фаолиятларини молиялаштирувчи манбалар хавфли тус олаётганлиги сабабли шу йўналишдаги айрим ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Республикамызда мустақиллик йилларида кенг қамровли иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши, хусусан, тадбиркорликнинг ривожланиши учун йўл очиб берилганлиги боис, ушбу соҳага бўлган қизиқиш янада кучайишига сабаб бўлди. Айни дамда алкоголь маҳсулотларни ишлаб

¹ FAO. 2023. The state of the world's land and water resources for food and agriculture (SOLAW) – Managing systems at risk. Food and Agriculture Organization of the United Nations, Rome and Earthscan, London. <https://doi.org/10.4060/cb7654ru>

² <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/alcohol>

³ <https://ourworldindata.org/grapher/deaths-due-to-alcohol-use?tab=table>

чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш борасида қўлланилаётган жиноят-ҳуқуқий нормалар ҳам мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга мутаносиб равишда ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Расмий тиббий статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда алкогольга қарам бўлган беморлар диспансер назоратига олинган наркологик беморлар умумий сонининг 85%дан кўпроғини ташкил қилади¹. Шу сабабдан ҳам 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифат ва сертификатлаштириш, стандартлаштириш қоидаларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш²” сингари вазифаларнинг белгиланганлиги, мазкур соҳани илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги (2023), “Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги (2025) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги (2020), “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги (2023), “Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида”ги (2024) Фармонлари, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2022) қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги (2020), “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги (2024), “Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (2025) қарорлари ва

¹ Алкоголга тобелик кузатилган беморлар бўйича миллий клиник баённома. <https://diseases.medelement.com/disease/17453>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “І. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алкоголь маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятига қарши курашнинг айрим жиҳатлари, унинг криминалогик жиҳатлари Ғ.А.Абдумажидов, Ш.Ё.Абдуқодиров, Қ.Р.Абдурасулова, З.С.Зарипов, И.Исмаилов, М.Х.Рустамбаев, М.Собиров, Т.Таджиев, Ф.Тоҳиров, М.Усмоналиев, А.В.Шестаков, А.С.Якубов, Р.Кабулов, Б.Дж.Ахраров, М.М.Қодиров, М.К.Ўразалиев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ушбу жиноятларнинг айрим жиҳатлари В.Н. Кудрявцев, А.Б.Сухарев, Е.В.Ларин, А.В.Наумов, А.Горелов, И.Камынин, В.Тюнин, Ю.Щиголев, М.В.Переверзев, Е.А.Нагаев, А.В.Степанищев, В.А.Томилов, П.С.Денисов каби МДҲга аъзо мамлакатлар олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилган.

Шунингдек, узоқ хорижий мамлакатлар олимларидан Barry S.Levine, Sarah Kerrigan (АҚШ), Henning Rübsam (Германия), Hiroshi Yoshida (Япония), Eeva-Liisa Moilanen (Финляндия), Dirk van der Heijden¹ (Нидерландия) алкоголь билан боғлиқ жиноятчиликни олдини олишда сиёсат ва қонунчилик чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот олиб борганлар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик учун жиноий жавобгарликни ўрганиб, ушбу муносабатларни тартибга солувчи жиноят ва соҳа қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш, жиноятларнинг вужудга келиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва амалиётда ушбу жиноятларни квалификация қилиш ҳамда жазо тайинлаш борасида юзага келаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритганлик ёки ишлаб чиқарганлик учун жиноят-ҳуқуқий таъқиқлар белгиланишининг ретроспектив жиҳатларини ўрганиш;

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятлар тушунчаси ва турларини таҳлил қилиш;

алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятларнинг объектив ҳамда субъектив белгиларини тадқиқ этиш;

алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятларни ўхшаш жиноятлардан фарқлаш масалаларини ёритиш;

алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятларнинг криминалогик таҳлилин амалга ошириш;

алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқаришга қарши курашиш борасида айрим хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий ўрганиш;

алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилиқни такомиллаштириш истиқболларини аниқлаш;

алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасини тартибга солувчи жиноят ва бошқа қонунчилиқ тармоқларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишга қарши курашиш жараёнида юзага келувчи жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик ижтимоий муносабатлар мажмуи олинган.

Тадқиқотнинг предмети алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш учун жиноий жавобгарлик белгилайдиган миллий жиноят қонунчилиғи ва айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиғи нормалари, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек миллий статистик ҳисоботлар, тадқиқ этилаётган масалалар бўйича илмий нашрлар, ушбу тоифа ишлар бўйича амалиёт материаллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг анализ, синтез, дедукция, индукция, мантикийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, жиноят ишларини ўрганиш, статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиғи қуйидагилардан иборат:

алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш мосламаларини кўргазмавий намуналар ва синовлар учун намуналар сифатида юридик шахслар томонидан олиб кирилиши ҳамда экспортга мўлжалланган ёки Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ўтадиган алкоголь маҳсулотларига нисбатан алкоголь маҳсулотларни муомалага киритганлик учун жавобгарлик келиб чиқмаслиғи лозимлиғи асослантирилган;

Жиноят кодексининг 186¹-моддасида назарда тутилган қилмиш предмети

сифатида озиқ-овқат хом ашёсидан олинган этил спиртидан ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган, шунингдек ундан фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилган таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши 1,5%дан юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулоти – алкоголь маҳсулоти инобатга олиниши лозимлиги асослантирилган;

алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқарганлик учун маъмурий преюдициясиз жиноий жавобгарлик белгилаш лозимлиги асослантирилган;

чет элда ишлаб чиқарилган истеъмол этил спирти мавжудлиги, шунингдек, корхоналар томонидан мазкур спиртдан алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланганда алкоголь маҳсулотлари давлат даромадига ўтказиш бўйича тегишли чоралар кўриш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қонунга ҳилоф равишда этил спирти ёки алкоголь маҳсулотини сақлаш, ташиш, Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ЖК 186¹-моддаси таркибини ташкил этиши лозимлиги асослантирилган;

алкоголь маҳсулотини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига, одам ўлимига ёки бошқача оғир оқибатлар сабаб бўлса, оғирлаштирувчи ҳолатларда жавобгарлик келиб чиқиши лозимлиги асослантирилган;

алкоголь маҳсулотини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш одам(лар)нинг ўлимига олиб келган ҳолларда қилмиш учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони асосий жазо билан бирга ифодаловчи кумулятив санкцияни киритиш зарурати асослантирилган;

қонунга ҳилофлилик талабини ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишга оид фаолиятга нисбатан белгилаганлиги сабабли алкоголь маҳсулотини қонунга мувофиқ, лекин сифатсиз, қонунчилик талабларини бузган ҳолда ёки яширин равишда ишлаб чиқарилиши ҳам ЖК 186¹-моддаси таркибини ташкил қилиши асослантирилган;

ЖК 186¹-моддасида назарда тутилган бир неча мустақил жиноятни ягона қасд билан қамраб олинганлигини инобатга олиб, қилмишни давомли жиноят сифатида баҳолаш лозимлиги асослантирилган;

Телеграм, Инстаграм ва бошқа ижтимоий тармоқларда ноқонуний алкоголь рекламасини аниқлаш ва олдини олиш бўйича махсус мониторинг тизимини яратиш лозимлиги асослантирилган;

ижтимоий тармоқларда ноқонуний алкоголь савдоси билан шуғулланган шахсларни тезкор кузатиш ва блоклаш механизмини ишлаб чиқиш зарурати асосланган;

онлайн савдо платформаларида маҳсулотлар сертификатларини юклаш мажбуриятини жорий этиш лозимлиги асосланган;

ноқонуний алкоголь савдосига қарши онлайн мониторинг тизимлари фаолиятини йўлга қўйиш, ҳар қандай ноқонуний алкоголь маҳсулотига оид эълонлар ва постларни автоматик равишда аниқлаб, ўчириб ташлаш зарурати

асосланган;

махаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобатбардош нарх сиёсатини шакллантириш орқали истеъмолчиларни ноқонуний маҳсулотлардан расмий маҳсулотларга йўналтириш лозимлиги асосланган;

алкоголь ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи юридик шахсларни ишчанлик обрўси(репутация)га асосланган рейтинг тизими асосида назорат қилиш зарурати асосланган;

алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича умумижтимоий ва махсус чора-тадбирлар фарқланган;

алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқаришни олдини олиш бўйича маъмурий-ҳуқуқий ва криминологик чора-тадбирлар ҳамда ахборот-тарбиявий чора-тадбирлардан иборат махсус чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган ва бошқ.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ўтказиш давомида олинган илмий ва назарий хулосалар, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар Жиноят ҳуқуқида ишлаб чиқилган назарий билимларга, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига асослангани, шунингдек, илмий ишда келтирилган маълумотлар ишончлилиги расмий нашрларда чоп этилган, алкоголь маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш жиноятларига оид суд-тергов амалиётининг 2015-2024 йилларга оид статистик маълумотлар, мавзу доирасида ўтказилган анкета-сўровнома натижалари, илмий тадқиқот ва бошқа расмий манбалардан фойдаланганлик билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий-назарий аҳамияти шу билан белгиланадики, у Жиноят ҳуқуқи ва Криминология назариясининг ривожланишига муайян ҳисса қўшади, диссертация материалларидан жиноят-ҳуқуқий қонун ижодкорлиги соҳасида ҳамда келгусида илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек Жиноят ҳуқуқи ва Криминология фанлари бўйича ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уни ўтказиш жараёнида олинган натижалардан ва уларга мувофиқ чиқарилган хулосалар ва таърифланган таклифлардан бевосита қонун ижодкорлиги фаолиятида фойдаланилиши, шунингдек алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин. У алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жинояти учун жиноий жавобгарликка тортиш ва ушбу жиноятларни олдини олиш муаммосини ҳал этишда яқиндан ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганишга

бағишланган тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш мосламаларини кўргазмавий намуналар ва синовлар учун намуналар сифатида юридик шахслар томонидан олиб кирилиши ҳамда экспортга мўлжалланган ёки Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ўтадиган алкоголь маҳсулотларига нисбатан алкоголь маҳсулотларни муомалага киритганлик учун жавобгарлик келиб чиқмаслиги лозимлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2023-йил 24-майдаги “Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги ЎРҚ–844-сон Қонунининг 1-моддасини ўзгартиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 1 июлдаги 3/08-104-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши қилмишни Жиноят кодекси 186¹-модда (Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш) билан квалификация қилишда жиноят таркиби обектив томонини аниқлаштиришга хизмат қилган;

ЖК 186¹-моддасида назарда тутилган қилмиш предмети сифатида озиқ-овқат хом ашёсидан олинган этил спиртидан ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган, шунингдек ундан фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилган таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши 1,5%дан юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулоти – алкоголь маҳсулоти инобатга олинishi лозимлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 майдаги “Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги ЎРҚ–844-сон Қонуни 3-моддасини ўзгартиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 1 июлдаги 3/08-104-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши ЖК 186¹-модда (Этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш)нинг предмети аниқлаштиришга хизмат қилган;

алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқарганлик учун маъмурий преюдициясиз жиноий жавобгарлик белгилаш лозимлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–878-сон Қонунининг 1-моддаси 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 1 июлдаги 3/08-104-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши биринчи марта алкогольли маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқарганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланишига оид қонуннинг бекор қилиниши ҳамда ушбу турдаги қилмишлар учун жавобгарликнинг кучайтилишига хизмат қилган;

чет элда ишлаб чиқарилган истеъмол этил спирти мавжудлиги, шунингдек, корхоналар томонидан мазкур спиртдан алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланганда, Инспекция Солиқ қўмитаси билан

биргаликда спиртни ва ушбу спиртдан ишлаб чиқарилган алкоголь маҳсулотларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиш бўйича тегишли чоралар қўриш лозимлиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 январдаги “Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМҚ–45-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 8-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Котибиятининг 2025 йил 25 февралдаги 12/16-12-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши чет элда ишлаб чиқарилган истеъмол этил спирти мавжудлиги, шунингдек, корхоналар томонидан мазкур спиртдан алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш чоралари таъминланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ўтказилган илмий тадқиқот юзасидан олинган натижалар 7 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 2 та халқаро миқёсда ва 5 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот давомида олинган илмий хулосалар, таклифлар ва илмий-амалий тавсиялар жами 16 та илмий иш, жумладан 9 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) ва 7 та тезисда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, еттита параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларнинг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг 1-боби “Алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятлар тушунчаси ва умумий тавсифи” деб номланиб, муаллиф унда Ўзбекистонда

алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритганлик ёки ишлаб чиқарганлик учун жиноят-ҳуқуқий таъқиқлар белгиланишининг ретроспектив жиҳатлари, шунингдек алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятлар тушунчаси ва турларига доир таҳлилларни амалга оширган.

Ишда юриспруденциянинг бугунги ривожланиш тенденциясида алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки уларни муомалага киритишга қарши курашишда қўлланиладиган “жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш доктринаси”, “иқтисодий назорат доктринаси”, “қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлиги доктринаси”, “фуқаролик жавобгарлиги доктринаси” каби турлари таҳлил қилинган.

Юридик ҳамда мавзуга оид тиббий, ижтимоий адабиётларни ўрганиш натижасида диссертант инсоният тарихида алкоголь маҳсулотларнинг ривожланиш тарихи жуда қадимий даврларга бориб тақалишини, мил.авв. XXIII асрга тааллуқли хитойлик императорлар эдиктлари, қадимги Бобил “Хаммурапи қонунлари” (мил.авв. 1792-1750 й.) ва римликларнинг “XXII жадвал қонунлари”ни (мил.авв. 451-450 й.) киритиш мумкинлигини таъкидлаган.

Бундан ташқари Чор Россияси ва Собиқ Иттифоқ тузумида алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш учун жавобгарликнинг ретроспектив жиҳатлари ҳам таҳлил қилиниб, бу даврда ушбу соҳада асосан давлат монополияси йўлга қўйилганлиги, 1912 йилда 1895 йилга нисбатан алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан тушган даромад 35,5 маротаба ошганлиги, 1913 йилда эса алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан тушган даромад давлат бюджетининг 26%ини ташкил этганлиги қайд этилган. 1914 йил 2 августда Чор Россияси томонидан Биринчи жаҳон уруши даврида ароқ сотишни таъқиқловчи қарор қабул қилинган ҳамда этил спиртини ишлаб чиқариш фронтнинг техник эҳтиёжлари ва тиббий мақсадлар сари йўналтирилган. 1917 йил декабрда ҳам уруш ва революциялар мобайнида алкоголь маҳсулотларни сотишни таъқиқловчи қарор чиқарилди, шунингдек, 1918 йили июл ойида ҳам фуқаролик уруши ва чет эл давлатлари интервенцияси ҳолатларида ароқ ишлаб чиқариш ва сотишнинг таъқиқланиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Диссертант 1926 йилда кучга кирган Ўзбекистон ССР ЖК, 1959 йил 21 майдаги ЎзССР ЖК, 1994 йилги ЖКларни мавзу доирасида таҳлил қилган.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб то Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 15 ноябрдаги ЎРҚ–878-сонли Қонуни билан ЖК 186¹-моддасининг янги таҳририда этил спирти, алкоғолли маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқарганликда ифодаланадиган қилмиш учун жавобгарлик оғирлаштирилиб, бу турдаги қилмиш учун маъмурий преюдиция бекор қилинганлигигача бўлган даврдаги ўзгаришларни тадқиқ қилган.

Диссертант алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасидаги жиноятларни объектив томон тузилишига кўра, жиноят таркибининг қуйидаги уч шаклини ажратиб кўрсатган: формал; моддий; формал-моддий. Уни субъектига кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкинлиги

ҳам асосланган: умумий субъектли жиноятлар; махсус субъектли жиноятлар; субъекти умумий субъект ҳам, махсус субъект ҳам бўлиши мумкин бўлган жиноятлар. Келтирилган таснифлар асосида “Алкоголь маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятлар” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Ишнинг 2-боби “Алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятларнинг юридик тавсифи”га бағишланган, муаллиф мазкур бобда алкоголь маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятларнинг объектив ва субъектив белгилари, шунингдек ўрганилаётган жиноятларни ўхшаш жиноятлардан фарқлаш масалаларини назарий-ҳуқуқий таҳлил қилган.

Диссертантнинг фикрича, алкогольли маҳсулотни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятининг умумий объекти – жиноят қонуни билан кўриқланадиган, ЖК 2-моддасида белгиланган; махсус объекти – иқтисодиёт асослари билан боғлиқ; турдош объекти – хўжалик фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардан иборат. Ушбу жиноятнинг бевосита объекти қонун билан кўриқланадиган аниқ ижтимоий муносабатлар тури бўлиб, у алкоголь маҳсулотни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасидаги қонун билан белгиланган тартиби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига этил спиртини олиб келишни тақиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига транзит ташишдан ташқари, этил спиртини транспортнинг барча турлари билан олиб келиш тақиқланиши белгиланган. Унга кўра этил спиртини мамлакат ҳудудига олиб кириш тақиқлансада, лекин, диссертант этил спирти ёки алкоголь маҳсулотлар контрабанда жинояти предметини ташкил этмаслигини, бундан ташқари божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти сифатида қилмиш квалификация қилинганида ушбу норманинг санкцияси нисбатан енгиллиги, унда маъмурий преюдициянинг мавжудлигини, бу эса ЖК 182 ва 186¹-моддалари ўртасида коллизия келтириб чиқаришини қайд этган.

Суд амалиётини ўрганган диссертант республика ҳудудига божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали олиб кирилган ва акциз маркалар билан маркаланмаган алкоголь маҳсулотларини муомалага киритиш ҳолатлари ҳам учрашини қайд этган. Лекин, қонун чиқарувчи ЖК 186¹-моддада мазкур қилмиш учун жавобгарликни аниқлаштирмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида спиртли ичимликлар қийматини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда уларнинг қиймати баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланиши ҳамда товар ёки бошқа қимматликларни қонунга ҳилоф равишда божхона чегарасидан кўп миқдоргача ўтказганлик учун ҳар доим, шахс айнан шундай ҳуқуқбузарлик

учун бир йил давомида бир неча марта маъмурий жавобгарликка тортилганлигидан қатъи назар, маъмурий жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланганлиги сабабли махсус норма умумий нормадан устунлиги (*lex specialis derogat legi generali*)га оид принципдан келиб қонунга ҳилоф равишда алкоголь маҳсулотини ташиш, Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ЖК 186¹-моддаси таркибини ташкил этишига оид ўзгартириш киритилиши кераклиги ҳақида ҳулоса қилинган.

Диссертант қонун чиқарувчи ЖК 186¹-моддасида жиноят таркибининг объектив томонини ифодалашда алкогольли маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритганлик учун жавобгарлик назарда тутганлиги юқорида қайд этилган масалада “илгари содир этилган қилмиш ва кейинги содир этилган қилмишда жиноят (маъмурий ҳуқуқбузарлик) предмети айнан бир хил бўлиши талаб этилмайди”, деган ҳулосага келган. Диссертантга кўра, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарганлик учун жавобгарлик белгилашда ишлаб чиқаришнинг қонунийлиги масаласи бирламчи ўринда эътибор қаратиладиган жиҳатлигини қайд этиб, агар қилмиш алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонада амалга оширилган (яъни, алкоголь маҳсулоти тайёрланган, ишлаб чиқарилган) бўлса ЖК 186¹-моддасидан ташқари хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқарганлик (ЖК 186-модда) учун ҳам жавобгарлик келиб чиқиши лозим.

Шунингдек, бу каби қилмишлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши нуқтаи назаридан алкоголь маҳсулотни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш билан бир қаторда уларни қонунга ҳилоф равишда сақлаганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши ушбу турдаги қилмишлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланган.

Алкоголь маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасидаги қонунга ҳилоф тадбиркорлик тўғри ва эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Шу ўринда диссертант яна бир жиҳатга тўхталиб, ЖК 186¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий преюдицияли қилмиш қачон такроран содир этилган ҳисобланиши ёки худди шу қилмиш қачон хавфли рецидивист томонидан содир этилган ҳисобланиши баҳсли, бу амалиётда жиноий қилмишни квалификация қилишда баъзи муаммоларни келтириб чиқаради, деган ҳулосага келган. Бундан ташқари, қонуний фаолият кўрсатаётган алкоголь маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект сифатсиз, яъни истеъмомчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган алкоголь маҳсулотни ишлаб чиқарса, қилмиш қандай квалификация қилинади, деган саволни муҳокама қилиб, қонун чиқарувчи қонунга ҳилофлилик талабини фаолиятга (ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш) нисбатан белгиллагани ҳолда ушбу талабни маҳсулотга (алкоголли маҳсулот) нисбатан татбиқ этиш масаласини очиқ қолдирган, деган мулоҳаза илгари сурилган. Бу ҳолатда қонуний равишда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлса, мантиқан ЖК 186¹-моддаси диспозициясини

бермайди ва қилмишни ЖК 186-моддаси билан квалификация қилиш зарурияти юзага келади. Ушбу бўшлиқни бартараф этиш мақсадида ЖК 186¹-моддаси диспозициясини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилган. Шунингдек, ушбу бобдаги таҳлиллар натижасида ЖКга қонунга хилоф равишда этил спирти ёки алкоголь маҳсулотини ташиш, Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (олиб чиқиш) ЖК 186¹-моддаси таркибини ташкил этишига оид ўзгартириш киритилиши ҳам таклиф этилган.

Илмий ишнинг **“Алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш ва уларнинг олдини олиш масалалари”** деб номланган 3-бобида диссертант томонидан алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятларнинг криминологик таҳлили, тадқиқ этилаётган жиноятларга қарши кураш борасида айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси, алкоголь маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари таҳлили амалга оширилган.

Диссертант мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш заруратини қатор омиллар билан изоҳлаган. Жумладан, мутахассисларнинг қайд этишича 2001-2016 йиллар давомида заҳарланишлар бўйича 68% ўлим ҳолатлари айти шу патология туфайли кузатилган. Бунга мисол сифатида Туркиянинг бир неча вилоятида 30 дан ортиқ одам сохта алкогольдан заҳарланиш натижасида вафот этганлиги, Ҳиндистон шимоли-шарқида сифатсиз алкогольдан заҳарланиш оқибатида камида 50 киши вафот этганлиги, Россия Федерациясининг Нижний Новгород, Самара ва Ульяновск вилоятларида қўлбола алкогольдан заҳарланиш оқибатида 20 га яқин одам ҳалок бўлганлиги, Қозоғистоннинг Арқалик шаҳри ҳамда Жакси районидаги Жана-Кийма посёлкасида қўлбола алкогольдан заҳарланиш туфайли 15 кишининг вафот этганлиги, Тошкент шаҳрида 2022 йилда 4 киши алкогольдан заҳарланишдан вафот этганлиги, 2020 йилнинг январь ойида алкогольдан заҳарланиш ташхиси билан бир нечта фуқаронинг касалхонага жойлаштирилганлиги, 2025 йилда Истанбулда 14 нафар ўзбекистонлик ўтқир алкогольли интоксикациядан вафот этганлиги мисол сифатида келтирилган. Бундай ҳолатларда этил спиртидан заҳарланиш кенг тарқалган бўлса, ўлим ҳолатларига олиб келган восита алкоголь маҳсулотлари ҳисобланиши таъкидланган. Аксарият ҳолларда истеъмолчилар алкоголь маҳсулотларни, асосан тунги вақтларда сотиб олганлиги ҳам тадқиқот давомида аниқланган, шу сабабдан ҳам диссертант алкоголь маҳсулотлар реализациясини тунги вақтда чеклаш лозимлиги тўғрисида хулосага келган.

Диссертантнинг фикрича, мамлакатда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва уни бозор йўлига ўтказиш бир неча йил ичида республикаимиз фуқароларининг фикрлаши ҳамда иқтисодий хулқ-атворида туб ўзгариш ясади. Давлат мулкнинг кенг қўламда хусусийлаштирилиши, мулкнинг турли шакллари вужудга келиши натижасида иқтисодиёт давлат секторининг монополиясига, у билан бирга иқтисодиётни бошқаришнинг режали, маъмурий-буйруқбозлик

шаклига, ялпи товар тақчиллигига барҳам берилди. Бу эса, ўз навбатида ишлаб чиқариш соҳасининг шиддат билан ривожланишига ҳамда ушбу соҳада алоҳида хусусий шахслар иштирокининг кескин кўпайишига олиб келди. Аини дамда бу ишлаб чиқариш соҳасида яратилган имкониятлардан ўринли фойдаланмай, аксинча, давлат ва жамият манфаатларига ҳамда фуқаролар саломатлигига зиён етказиш эвазига бўлсада, мўмай даромад топиш илинжида қонунга хилоф равишда ишлаб чиқаришга қўл уриш ҳолларининг сезиларли даражада кўпайишига ҳам туртки бўлди.

Диссертант ўрганилаётган жиноят ишлари бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ЖК 186¹-моддаси бўйича 2007 йил 539 та, 2008 йил 324 та, 2009 йилда 322 та, 2010 йилда 32 та, 2011 йилда 184 та, 2014 йилда 159 та, 2015 йилда 142 та, 2016 йилда 100 та, 2017 йилда 57 та, 2018 йилнинг 9 ойида 52 та, 2019 йилда 68 та, 2020 йилда 59 та, 2021 йилда 78 та, 2022 йилда 51 та, 2023 йилда 47 та, 2024 йилда 56 та жиноят иши кўриб тамомланганлигини қайд этиб, жиноят ишлари бўйича таҳлил ва 170 та ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, қуйидагиларни аниқлаган: тадқиқ этилаётган жиноятларни содир этган шахсларнинг 25-29 ёшларида содир этилиши билан тавсифланувчи умумий жиноятчиликдан фарқли равишда, алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасида содир этиладиган жиноятларда жиноий фаоллик 31 ёшдан 35 ёшгачани ташкил этади. Аёл ва эркак жинсига мансуб шахсларнинг ўзаро муносаббати бир неча фоизгагина фарқланади (56,7% эркаклар ва 43,3% аёллар). Уларнинг маълумот даражаси ҳам “умумий” жиноятчиларга нисбатан юқорилиги билан ажралиб туради: уларнинг аксарияти – 55%и олий маълумотга эга.

Мазкур соҳада жиноят содир этувчиларнинг асосий қисми доимий даромад манбаига эга. Улар орасида доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар 15%дан камроқни ташкил қиладики, бу кўрсаткич бошқа жиноятларда 54,5%дир. Ушбу соҳада жиноят содир этувчиларнинг аксарияти савдо (72%) ёки алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш (6,9%) соҳасида фаолият юритади. Жиноятчи шахслар таснифини таҳлил қилиб, диссертант алкоголь маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритганлик учун асосий жазо билан бир қаторда қўшимча жазо тариқасида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ, деган ҳулосага келган.

Ушбу тоифа жиноятлар бўйича рецидив жиноятчилик даражаси 28,4%ни ташкил қилса, уларнинг 23%и атрофида илгари умумий жиноятчилик йўналишида жиноят содир этганлар. Махсус рецидив даражаси эса 2,2%ни ташкил этади.

Бу борада уюшган гуруҳ томонидан содир этиладиган жиноятлар миқдори иқтисодий ва умумий жиноятчиликдаги нисбатан анча қуйи кўрсаткичларни кўрсатади ҳамда ушбу жиноятлар умумий миқдорининг 1,2%ини ташкил қилиши латентликнинг юқорилиги билан узвий боғлиқ.

Алкоголь маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки

муомалага киритиш жиноятини содир этган шахсларнинг маълумотига оид кўрсаткичлар эса, қуйидагича: олий ва тўлиқсиз олий 9,3 % (5 нафар), ўрта, ўрта махсус 77,7 % (42 нафар), тўлиқсиз ўрта 1,9 % (1 нафар) ва ўқимаган шахслар 11,1 % (6 нафар).

Шунингдек, ушбу жиноятни содир этган шахсларнинг машғулотида оид маълумотларни ўрганиш асосида қуйидаги хулосалар олинди: ишсизлар 174, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар 108, юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлар 29, хусусий корхона ходими 36, қўшма корхона ходими 1, ишчилар 174 (10,4%) ва хизматчилар 78 (4,2%), бошқа машғулоти билан шуғулланувчи 29, ўқувчи 15 ҳамда меҳнатга лаёқатли, ишламайдиган ва ўқимайдиган шахслар 1284 нафар, нафақахўр 83 ва ногиронлиги бўлган шахслар 46 нафар эканлигини аниқлаган.

Анкета-сўровномада иштирок этган респондентлар ноқонуний алкоголь савдоси кўпинча иқтисодий ночор ҳудудларда ривожланишини (59%), бу ҳудудларда одамлар тирикчилик воситаси сифатида ноқонуний спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ёки сотишга ҳаракат қилишини, 41 % эса бу иқтисодий ўлчов ижтимоий тенгсизлик ва ноқонуний алкоголь бозори яширин иқтисодиёт авж олган ҳудудларда содир этилишини билдиришган.

Ушбу жиноятларнинг олдини олиш бўйича махсус чора-тадбирлар икки гуруҳга ажратилган: а) маъмурий-ҳуқуқий ҳамда криминологик чора-тадбирлар; б) ахборот-тарбиявий чора-тадбирлар.

Шунингдек, спиртли ичимликларга қарам шахсларни қўллаб-қувватлаш хизматларини яратиш ва кенгайтириш, Телеграм, Инстаграм ва бошқа ижтимоий тармоқларда ноқонуний алкоголь рекламасини аниқлаш ва олдини олиш бўйича махсус мониторинг тизимини яратиш, фуқароларнинг мобиль иловалар орқали алкоголь маҳсулотини QR-код орқали текширишига имкон берувчи “CheckAlco.uz” платформасини жорий қилиш, мазкур усулда тегишли код (маркировка) мавжудлиги аниқланмаган ҳолларда автоматик равишда ваколатли органлар (прокуратура органлари ёки давлат солиқ хизмати)га хабар юбориш, қонунга ҳилоф равишда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарганлик ёки уларни муомалага киритганлик билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш лозимлиги каби таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Мазкур таклифлар алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш жиноятлари учун жавобгарликни такомиллаштириш, шунингдек ушбу жиноятнинг олдини олишга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Алкоголь маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятлари учун жавобгарлик муаммоларини тадқиқ қилиш асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

I. Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича таклифлар:

1. Алкоголь маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш билан боғлиқ фаолият Чор Россияси давлати қарор топгунга қадар шариат қоидалари асосида тартибга солинган ҳамда унинг ҳар қандай шакли жазоланган. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон давлатчилиги ўрта асрлар тарихида алкоголь маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳам, сотиб олиш ва сотиш ҳам, тайёрлаш ҳам мумкин бўлмаган.

2. Алкоголь маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятлар тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган:

“Алкоголь маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш соҳасидаги жиноятлар – алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига, бошқарувнинг ва аҳоли саломатлигининг белгиланган тартибига қарши йўналтирилган ҳамда жиноят қонунида жазо қўллаш таҳдиди билан таъқиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмишлардир”.

3. Ўхшаш таркибли жиноятларни бир-биридан фарқловчи асосий хусусиятлар булар жиноятнинг бевосита объектидир. Улардаги объектлар умумий объект билан кесишади, лекин фақат шу билан чегараланиб қолади. Мазкур жиноятлар ўзига хос равишда бир хил оқибатларга олиб келиши мумкинлиги баробарида жиноят таркиби ва квалификация нуқтаи назаридан фарқланади.

4. Алкоголь маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш соҳасидаги жиноятчилик тузилиши ҳамда унинг таркибидаги ўзгаришлар тенденцияси ҳақида фикр билдирганда, бу сўнгги йилларда у муайян ўзгаришларга дучор бўлаётганлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Бу бир томондан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари самарали фаолияти; иккинчи томондан жиноят қонунчилигида рўй берган ўзгаришлар ҳамда бошқа томондан ушбу соҳада олиб борилган кенг қамровли ислохотлар ва солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришлар билан изоҳланади.

